



Халқ сўзи

Ўзбекистон –
келажаги
буюк
давлат

2025 йил — АТРОФ-МУҲИТНИ АСРАШ ВА «ЯШИЛ» ИҚТИСОДИЁТ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: Info@xs.uz

2025 йил 30 октябрь, № 223 (9118)

Пайшанба

Сайтимиизга ўтиш учун QR-кодни
телефонингиз орқали сканер қилинг.



ИЖТИМОЙ СУҒУРТА СОҲАСИНИ РИВОЖЛАНТИРИШГА ҚАРАТИЛГАН ТАКЛИФЛАР

Президент Шавкат Мирзиёев 29 октябрь куни ижтимоий суғурта тизимини такомиллаштириш юзасидан таклифлар тақдимоти билан танишди.

“Камбағалликдан фаровонлик сари” дастури доирасида фуқароларнинг бандлигини таъминлаш ва уларни тадбиркорликка жалб этиш бўйича амалга оширилаётган ислохотлар натижасида камбағаллик даражаси 2021 йилдаги 17 фоиздан 6,8 фоизга, кам таъминланган оила сифатида нафақа олувчилар сони эса 14 фоиздан 6,1 фоизга камайди.

Шу билан бирга, бугунги кунда аҳолининг оғир ҳаётини вазиятларда даромадсиз қолиши ва камбағалликка тушишининг олдини олиш масалалари давлатимизнинг дол-мий эътиборида.

Тақдимотда бу борадаги дол-

зарб масалалар кўрсатиб ўтилди.

Жумладан, хусусий секторда банд бўлган аҳолининг барчасига ҳам ҳомиладорлик, вақтинча меҳнатга лаёқатсизлик ва ишдан бўшаш бўйича нафақалар тўлаб берилмаяпти. Бу ҳолатни тўловлар кўп ҳолларда ишлаб чиқариладиган маҳсулот таннархининг ошишига олиб келаётгани ва рақобатбардорликка таъсир кўрсатаётгани, иш бевувишлар нафақаларни тўлашга ортиқча юкланма сифатида қараётгани сабабли тадбиркорлар учун ушбу тизим жозибador эмаслиги билан изоҳлаш мумкин.

Қолаверса, Халқаро меҳнат таш-

килотининг “Ижтимоий таъминотнинг минимал нормалари тўғрисида”ги ва “Оналикни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги конвенцияларига мувофиқ туғиш ва касаллик бўйича нафақалар ижтимоий суғурта механизми орқали тўланиши белгиланган.

Тақдимотда аҳолини ижтимоий нафақалар билан қамровини ошириш ҳамда миллий ижтимоий суғурта тизимини халқаро ҳужжатларга уйғунлаштириш мақсадида ишлаб чиқилган таклифлар кўрилди.

Расмий банд бўлган барча шахсларга нафақалар босқичма-босқич Ижтимоий ҳимоя жағма-си томонидан тўланиши йўлга қўйи-

лади. 2026 йилдан бошлаб аёлларга ҳомиладорлик нафақаси, 2026 йил иккинчи ярмидан эса вақтинча меҳнатга лаёқатсизлик нафақалари тўлаб борилади.

Янги тизимнинг асосий мақсади аёллар ва ишчиларнинг ижтимоий ҳимоясини кучайтириш билан бирга расмий меҳнат муносабатларини рағбатлантириш экани таъкидланди.

Президентимиз таклифларни маъқуллаб, ижтимоий суғурта соҳасини рақамлаштириш, тизим шаффоф ишлаши, нафақалар проактив равишда тайинланиб, тўлаб борилишини таъминлаш юзасидан аниқ топшириқлар берди.

ФИНЛЯНДИЯ ПРЕЗИДЕНТИ ЎЗБЕКИСТОНГА КЕЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг таклифига биноан Финляндия Республикаси Президенти Александр Стубб 29 октябрь куни расмий таширф билан мамлакатимизга келди.

Олий мартабали меҳмонни Тошкент халқаро аэропортида Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари Жамшид Хўжаев ва бошқа расмийлар кутиб олди.

Таширф дастурига мувофиқ Тошкент шаҳрида олий даражадаги музокаралар бўлиб ўтади, уларда Ўзбекистон билан Финляндия ўртасидаги кўп қиррали ҳамкорликни, энг аввало, сиёсий, савдо-иқтисодий, инвестициявий ва маданий-гуманитар соҳаларда янада кенгайтиришнинг долзарб масалалари кўриб чиқилади.

Ўзаро савдо ҳажмини ошириш, қишлоқ

хўжалиги, экология, кимё, энергетика, рақамлаштириш, тоғ-кон саноати ва бошқа инновацион тармоқларда кооперацияни йўлга қўйишга алоҳида эътибор қаратилади.

Меҳнат миграцияси, маданият, таълим тизимида илғор технологияларни жорий этиш соҳаларида ҳамкорлик масалалари кўриб чиқилади.

Халқаро аҳамиятга молик долзарб масалалар, шу жумладан, кўп томонлама тузилмаларда ўзаро қўллаб-қувватлаш юзасидан ҳам фикр алмашилади.

ЎзА.

Ўзбекистон — Финляндия: ҲАМКОРЛИКНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧИ САРИ

Ўзбекистон ва Финляндия ўртасидаги икки томонлама муносабатлар ўттиз йилдан ортиқ тарихга эга бўлиб, мамлакатимиз мустақилликка эришганидан кўп йўлга қўйилган.

Хусусан, Финляндия Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллигини 1991 йил 30 декабрда тан олди ва дипломатик муносабатлар 1992 йил 26 февралда ўрнатилди. Бироқ ўзоқ вақт давомида икки мамлакат ўртасидаги ўзаро муносабатлар ҳеч қандай аниқ сураётларсиз олиб борилиди. Бугунги кунда эса биз янги босқичнинг бошланиши ҳақида ишонч билан гапиришимиз мумкин. Бу — давр руҳи ва икки мамлакат манфаатларига

мос келадиган мазмунли, прагматик ва истиқболли ҳамкорлик босқичи.

Ўзбекистон — Финляндия муносабатларининг ҳозирги босқичи сиёсий алоқаларнинг мустаҳкамланиши ва ҳар икки томоннинг ўзаро ришталарни барқарор ва тизимли равишда ривожлантиришга интилиши билан тавсифланади. Ўзбекистоннинг муносабатларни диверсификация қилиш, ўзаро тушунишни мустаҳкамлаш ва Европа мамлакатлари билан шериклики ривож-

лантиришга қаратилган фаол ташқи сиёсати бу жараёнда муҳим роль ўйнади.

Сўнгги йилларда бир қатор ўзаро таширфлар ҳамда олий ва юқори даражаларда учрашувлар бўлиб ўтди. Хусусан, 2024 йил ноябрь ойида Бокуда бўлиб ўтган “СОР29” иқлим конференцияси доирасида Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев Финляндия Президенти Александр Стубб билан учрашди.



Учрашув

ИЗЧИЛ РИВОЖЛАНИБ БОРАЁТГАН МУЛОҚОТ

Кеча Олий Мажлис Сенати Раиси Танзила Норбоева ва Сербия Президенти Александр Вучич ўртасида учрашув бўлиб ўтди.

Мулоқотда икки мамлакат парламентлари ўртасидаги ҳамкорликни ривожлантириш масалалари муҳокама қилинди. Хусусан, парламентлараро муносабатларни мустаҳкамлаш, дўстлик гуруҳлари фаолиятини кучайтириш, қўшма лойиҳаларни амалга ошириш ҳамда олий даражада эришилган келишувларнинг самарали ихросини таъминлашда парламент назоратининг муҳимлиги қайд этилди.

Сўхбат чоғида Сербия Президенти А. Вучич мамлакатимизда давлат раҳбарининг оқилона сиёсати асосида амалга оширилаётган кенг қўлмали ислохотларни юқори баҳолади,

шунингдек, Ўзбекистоннинг ташқи сиёсатидаги фаол ва ташаббускор позицияси ҳамда иқтисодий кўрсаткичларнинг барқарор ўсиб бораётганини тарихий аҳамиятга эга воқеалик сифатида эътироф этди.

Ўзбекистон ҳамда Сербия ўртасидаги дўстлик, ўзаро ишонч ва ҳамкорлик муносабатлари изчил ривожланиб бораётгани алоҳида таъкидланди.

Сербия Президентининг Ўзбекистонга таширфи икки мамлакат муносабатларида, шу жумладан, парламентлараро алоқаларни ривожлантиришда янги босқични бошлаб бергани қайд этилди.

ТАШАББУС ВА ҚАТЪИЯТ ТУФАЙЛИ ҲАҚИҚАТГА АЙЛАНГАН ОРЗУ

Бугун мамлакатимизда юритилаётган очиқ ва прагматик ташқи сиёсат туфайли Янги Ўзбекистоннинг халқаро ташкилотлар доирасидаги фаолияти кучайиб бораётгани кўзга яққол ташланаяпти.

Биз ва жаҳон

Айниқса, Евроосиё қитъасининг айрим минтақаларида беқарорлик, инқирозлар ва эҳтимолий геосиёсий “гебранишлар” тобора кучайиб бораётган бир вақтда Президент Шавкат Мирзиёевнинг дунё давлатлари ва халқаро ташкилотлар билан муносабатларда барқарорлик ҳамда фаровонликка асосланган ҳамкорликка интилиши, амалга ошираётган инсонларварлик дипломатияси Ўзбекистоннинг халқаро ва минтақавий анжуманлар, мулоқотлар ўтказиладиган муҳим майдонга айланишига сабаб бўлмоқда.

Хусусан, шу кунларда уч минг йилдан ортиқ тарихга эга бўлган, юздан ортиқ тарихий ва маданий ёдгорликларни ўз ичига олган қўҳна ва ҳамшиша навқирон



Самарқанд шаҳрида БМТ Таълим, фан ва маданият масалалари бўйича идораси — ЮНЕСКОнинг Бош конференциясининг 43-сессияси ўз ишини бошлади.

1985 йилдан бери биринчи марта бундай нуфузли анжуман ташкилотнинг қароргоҳи жойлашган Франция пойтахти Париждан бошқа шаҳарда ўтказилмоқда. Бу ЮНЕСКОнинг Марказий Осиёда ўтказётган биринчи шундай йиғилиши бўлсада, илм-фан, таълим ва санъатнинг муҳим марказларидан бири ҳисобланган Самарқанд шу кунгача ҳам йирик халқаро учрашувларга мезбонлик қилган. Шаҳарда 2022 йилда Шанхай ҳамкорлик ташкилоти ва Туркий давлатлар ташкилоти саммитлари, 2023 йилда эса БМТ Жаҳон сайёҳлик ташкилоти Бош ассамблеясининг 25-сессияси бўлиб ўтган.

Кенгаш йиғилиши

СЕНАТ ЯЛПИ МАЖЛИСИНИ ЧАҚИРИШ ТЎҒРИСИДА ҚАРОР ҚАБУЛ ҚИЛИНДИ

Олий Мажлис Сенати Кенгашининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Унда Сенатнинг ўн биринчи ялпи мажлисини 2025 йил 31 октябрь куни чақириш тўғрисида қарор қабул қилинди.

Ялпи мажлис кун тартибига жамият ҳаёти ва ижтимоий-иқтисодий соҳаларнинг долзарб масалаларига оид қатор қонунлар киритилган.

Хусусан, ёқилғи-энергетика соҳасидаги ҳуқуқбузарликларга қарши курашиш чора-тадбирларини кучайтириш, валюта ва қимматбаҳо металллар муомаласини тартибга солиш, давлат мулкни хусусийлаштириш жараёнларини такомиллаштириш, ижро ишини юритиш тартиб-ни соддалаштириш ҳамда аграр ва экология соҳаларидаги қонунчиликини янада ривожлантиришга қаратилган қонунлар ҳам муҳокама қилинади.

Шунингдек, ялпи мажлисда

сенаторлар томонидан аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тизимини такомиллаштириш, дала четларида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш тизимини яхшилашга оид қонунлар ҳам кўриб чиқилади.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Оила ва хотин-қизлар қўмитаси раиси З. Маҳамовага мамлакатда оила институтини мустаҳкамлаш ва ажримларнинг олдини олиш борасида амалга оширилаётган ишлар юзасидан парламент сўрови юбориш масаласи ҳам кун тартибидан ўрин олган.

Олий Мажлис Сенати
Ахборот хизмати.

ТАРАҚҚИЁТ МАНЗИЛЛАРИ



Президент ташрифидан сўнг

Наманган вилоятида кейинги пайтда саноят, қишлоқ хўжалиги, энергетика, қурилиш материаллари каби иқтисодиётнинг муҳим соҳаларида катта ютуқлар қўлга

киритилмоқда. Президентимиз таъбири билан айтганда, “Наманганда катта марралар забт этиляпти”. Бу натижаларнинг замирида фақат инвестиция ёки

замонавий технологиялар кенг жалб қилинаётгани эмас, балки инсон меҳнати, ишончи ва юртига бўлган муҳаббати муҳассам.



Сенат кўмитасида

АҲОЛИ ФАРОВОНЛИГИ ЙЎЛИДА

Олий Мажлис Сенатининг Аграр, сув ҳўжалиги масалалари ва экология кўмитасида “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонун дастлабки тарзда муҳокама қилинди.



Таъкидланганидек, кейинги йилларда мамлакатимизда мулкдорлар ҳуқуқларининг кафолатларини кучайтиришга, қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари етиштирувчиларининг фаолиятини қўллаб-қувватлашга, аҳолини сифати ҳамда хавфсизлиги кафолатланган дори воситалари ва тиббий буюмлар билан таъминлашга ҳамда хориждаги ватандошларимизни рағбатлантиришга қаратилган изчил ислохотлар амалга оширилмоқда. Бу ўзгаришлардан мақсад эса аҳоли манфаатлари ва фаровонлигини таъминлашдир.

Мазкур қонун билан Жиноят, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги ва Ер кодекслари ҳамда “Фермер ҳўжалиги тўғрисида”ги, “Давлат божи тўғрисида”ги қонунларга ўзгартриш ва қўшимчалар киритилмоқда.

Хусусан, Ер кодексига ер участкасини ижарага олиш шартномаси бўйича ҳуқуқ ва мажбуриятларни тўлиқ ёки қисман бошқа шахсга ўтказишга (қайта ижарага беришга) рухсат беришни назарда тутувчи қўшимча киритилгати.

“Фермер ҳўжалиги тўғрисида”ги Қонунда фермер ҳўжалиги раҳбари тадбиркорлик

фаолияти билан шугўлланишга йўл қўйилмайдиган ишга қабул қилинган тақдирда ер участкасини ижарага олиш ҳуқққини ўз оила аъзоларидан бирига бериши мумкинлиги кўзда тутилмоқда.

“Давлат божи тўғрисида”ги Қонунга “Ватандош” картаси эгаларининг оила аъзолари амалдаги виза муддатини қўп марталик визага узайтирганилиги ҳамда турган жойи бўйича рўйхатдан ўтказилганлиги ва бу муддат узайтирилганлиги учун давлат божи тўлашдан озод қилинишини назарда тутувчи қўшимча ва ўзгартиришлар киритилмоқда.

Бундан ташқари, Жиноят ҳамда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексларда товарлар ва молиявий маблағларнинг эркин ҳаракатланишига ёки реализациясига қонунга ҳилоф равишда аралашганлик ёҳуд тўқсинлик қилганлик учун жавобгарлик белгилангати.

Шунингдек, дори воситаларини рецепт бўйича чакана реализация қилиш тартибини бузиш билан боғлиқ ҳуқуқбузарликлар ҳамда жиноятлар учун жавобгарлигини кучайтиришни назарда тутувчи ўзгартиришлар ҳам назарда тутилгати.

Таъкидландики, ушбу қонуннинг қабул қилиниши қишлоқ ҳўжалигига мўлжалланган ер участкаларидан самарали фойдаланиш, қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари етиштирувчиларининг қонуний манфаатларини ҳимоя этиш ва уларнинг молиявий имкониятларини оширишга ҳамда аҳоли саломатлигини ишончли ҳимоя қилиш, дори воситалари реализацияси талабларига қатъий риоя этилишини таъминлашга замин яратлади.

Мажлис якунида кўмитанинг тегишли қарори қабул қилинди.

ДАВЛАТ ХАРАЖАТЛАРИ АДОЛАТЛИ ТАҚСИМЛанади

Иқтисодиёт ва молия вазирлиги томонидан Олий Мажлис Сенати, “БМТ-аёллар” тузилмаси ҳамда Европа Иттифоқининг Ўзбекистондаги делегацияси билан ҳамкорликда вазирлик ва идоралар ходимларининг гендерга йўналтирилган бюджетлаштириш бўйича билим ҳамда қўникмаларини оширишга қаратилган ўқув-семинар ўтказилди.

Семинар

Сенатнинг Ёшлар, хотин-қизлар, маданият ва спорт масалалари кўмитаси раиси Орзиғул Қозихонова ўз чиқишида гендерга йўналтирилган бюджетлаштириш давлат харажатларини адолатли тақсимлаш, аёллар ва эркеклар учун тенг имконият яратиш, шунингдек, давлат молиясининг шаффофлиги ва ҳисобдорлигини

таъминлашга хизмат қилишини таъкидлади. Ҳозирги вақтда дастурий бюджетлаштириш жорий қилинаётган вазирликларда 2026 йил учун гендер тенглик бўйича мақсадли кўрсаткичлар ишлаб чиқилаётгани қайд этилди.

Семинар давомида халқаро экспертлар гендерга йўналтирилган бюджетлаштиришда жаҳон тажрибаси тақдими тои ҳамда амалий машғулотлар ўтказди.

«Халқ сўзи».

Муҳокама

Қутқарув хизматлари қутқаришга тайёرمи?

Қачонки, қонунларга ҳамма бирдек риоя этса ва унинг талаблари бекаму кўст бажарилса, қонун ижодкорларининг ушбу ҳуқуқий ҳужжатни яратишдан кўзлаган мақсади амалга ошган ҳисобланади. Яъни бу қонун ишлаётган бўлади. Қонунларнинг ишлаётгани, ижроси ҳолати эса вақти-вақти билан тегишли органлар томонидан ўрганиб турилади.

Олий Мажлис Сенатининг Мудофаа ва хавфсизлик масалалари кўмитаси мажлисида “Қутқарув хизмати ва қутқарувчи мақоми тўғрисида”ги Қонуннинг қутқарув хизматлари ва қутқарув тузилмаларини фавқулодда вазиятларни бартараф этишга жалб қилишга оид қисмининг Қашқадарё вилоятида ижро этилишини ўрганиш натижалари муҳокама қилинди.

Маълумотларга кўра, вилоятда умумий йўналишда 17 та қутқарув, 284 та объектда штатдан ташқари ҳамда 5 та қутқарув хизмати тузилмалари ва фавқулодда вазиятлар давлат қўйи тизимининг 18 та тузилмаси ташкил этилган. Бундан ташқари, вилоятдаги йирик қороналлардан саналган “Ўзбекнефтегаз” АЖга қарашли очиқ нефть ва газ фаввораларининг олдини олиш ҳамда бартараф этиш бўйича ҳарбийлаштирилган қисмининг 10 та қутқарув гуруҳидаги махсус отрядларида 711 нафар профессионал қутқарувчи фаолият юритмоқда. Улар томонидан 2024 йил ва жорий йилнинг 9 ойида 199 та махсустактик ўқув машқи ўтказилган.

Вилоятдаги қорхона ва муассасаларда фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш, оқибатларини бартараф этиш ва аҳолининг қутқарув ишлари бўйича билим ҳамда қўникмаларини оширишга қаратилган кенг қўламли тарғибот ишлари ташкил қилинган.

Бироқ ишчи гуруҳнинг аҳоли билан мулоқотлари, жойлардаги ўрганишлар, тармоққа оид қонун ҳужжатлари ҳамда ҳуқуқни қўллаш амалиётининг таҳлили қутқарув хизматлари ва тузилмаларининг фаолиятини ташкил этишда қатор тизимли камчиликлар мавжудлигини кўрсатди.

Хусусан, вилоятда қутқарув йўналишидаги профилактик тадбирлар самарали ўтказилмагани оқибатида 2024 йил ва шу йилнинг 9 ойи давомида содир бўлган 1 813 та ёнгин оқибатида 11 нафар фуқаро ҳаётдан кўз юмган ва 58 нафари қуйиш билан боғлиқ тан жароҳати олган. Бундай фожиали кўрсаткич 2024 йилнинг мос давридагига нисбатан 11 фоиз ортган.

Ўтган йили ёнгичарчиликлар натижасида юзага келган сел-сув тошқинлари оқибатида

2 нафар фуқаро ҳалок бўлиб, 24 та ҳолатда одамларнинг уй-жойлари, мол-мулки ва деҳқон ҳўжаликларига зарар етган.

Шунингдек, ёнгичарчилик масъуми оқибатларини тезкорлик билан бартараф этишда ёки масвум олдидан амалга ошириладиган муҳандислик муҳофаза ишларида туман йиғма жамоаларини самарали жалб этишда ҳам бир қатор муаммолар аниқланган.

Таҳлилларга кўра, вилоят фавқулодда вазиятлар бошқармаси штат бирликлари сонининг озлиги ҳам қидирув-қутқарув ишларини ўз вақтида амалга оширишда муаммолар юзага келишига сабаб бўлган.

Бу ҳолат тезкор қақирув, қидириш ва қутқариш, йўл-транспорт ҳодисалари, сувда қўшиш билан боғлиқ бахтсиз ҳолатларга нисбатан тезкорлик билан чора қўриш, радиактив ва бошқа моддалар тўқилишини бартараф этиш, аҳолини хавфли жойлардан қўчириш имкониятлари чекланишига олиб келган.

Вазирлар Маҳкамасининг тегишли қарори билан белгиланган бу борадаги меъёрлар эса мазкур тузилмалар фаолиятини, моддий-техника базасини кенгайтириш имконини бермайдди.

Ишчи гуруҳ иштирокида “Ўзбекнефтегаз” АЖга қарашли Қарши нефть базасида ўтказилган амалий машғулотда ҳам мазкур қорхона раҳбарлари ва мутахассисларининг шартли ёнгин вақтидаги ҳаракатлари “қоникарсиз” деб баҳоланди.

Вилоятдаги хавфли ишлаб чиқариш объектлари яқинида жойлашган маҳалла фуқаролар йиғинларининг фавқулодда ҳолатларда аҳолини муҳофаза қилиш борасидаги мазкур объектлар билан ҳамкорлиги ҳам яхши йўлга қўйилмаган.

Кўмита мажлисида бу каби камчиликлар ҳам қутқарув ишларининг самарадорлигига салбий таъсир кўрсатаётгани қайд этилди ва йиғилиш якуни бўйича тегишли қарор қабул қилинди.

Ҳамроқул ҚАРШИЕВ
(«Халқ сўзи»).

МАРКАЗИЙ ОСИЁНИ
ЕВРОПАГА БОҒЛОВЧИ
КўПРИК

Ўзбекистон ва Сербия ўртасидаги муносабатлар тарихида янги саҳифа очилди. Яъни Сербия Республикаси Президенти Александр Вучичнинг мамлакатимизга расмий ташрифи доирасида олий даражадаги музокаралар икки давлат ўртасидаги дўстлик, ишонч ва ҳамкорлиқни янада мустаҳкамлаш йўлида муҳим қадам бўлди.

Ташриф доирасида Президентлар Шавкат Мирзиёев ва Александр Вучич бошчилигидаги делегациялар ўртасида музокаралар бўлиб ўтди. Бунда имзоланган ҳар бир ҳужжат икки томонлама ҳамкорлиқни янги босқичга кўтаришга хизмат қилиши билан аҳамиятлидир. Мазкур ҳужжатлар орасида инвестицияларни ўзлаштириш, иқтисодий ҳамкорлик, туризми ривожлантириш, тиббий хизматлар, таълим, фан, маданият, спорт ва меҳнат миграцияси соҳаларидаги битимлар бор. Айниқса, инновация ҳамда рақамли иқтисодиёт йўналишидаги келишувлар замонавий технологияларни биргаликда ривожлантириш учун катта имконият яратди.

Шунингдек, иқтисодий ҳамкорлик, инвестициялар жалб қилишни кенгайтириш масалаларига алоҳида урғу берилди.

Айтиш мумкинки, икки давлат ўртасидаги товар айланишининг ўтган йилдагига нисбатан қарийб 84 фоизга ўсиши ўзаро ишонч, очиқ мулоқот ва амалий ҳамкорлиқнинг ёрқин натижаларидир.

Музокараларда товар айирбошлашни қўпайтириш, машина-насослик, фармацевтика, кимё sanoати, ахборот технологиялари ва рақамлаштириш, агросаноат мажмуи, туризм ҳамда қўллаб бошқа муҳим тармоқларда кенг қўламли кооперация дастурини тайёрлаш масалаларига эътибор қаратилди.

“Марказий Осиё — Болқон” йўналишида янги транспорт йўлақларини Транскасий коридори доирасида ривожлантириш муҳимлиги қайд этилди.

Давлат раҳбарлари ташаббуси билан савдо-иқтисодий алоқалар бўйича Ҳукуматлараро комиссия тузиш тақлифи ҳам илгари сурилди. Ушбу комиссия келгусидаги иқтисодий ва инвестиция муҳитини янада мустаҳкамлашда муҳим платформа бўлиб хизмат қилади.

Бундан ташқари, тўқимачилик соҳаси истиқболлари ҳам атрофлича муҳокама қилинди. Сербияда ўзбек ишбилармонлари иштирокида қўшма қорхоналарни ташкил этиш масаласи ҳам қўриб чиқилди.

Яна бир муҳим масала, бу — Тошкент ҳамда Белград шаҳарлари ўртасида шериклик муносабатларини ўрнатиш тўғрисидаги битим бўлди. У нафақат иқтисодий, балки маданий, таълим, ижтимоий алоқаларни кучайтиришга ҳамда икки халқни янада яқинлаштиришга хизмат қилади.

Айтиш жоизки, Сербия Марказий Осиёни Европада боғловчи кўприк бўлиши мумкин ва бу, ўз навбатида, иккала мамлакат учун катта имкониятлар ешитгини очди.

Сербия Республикаси Президенти ташриф доирасида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатида ҳам бўлди. Олий Мажлис Сенати Раиси билан учрашувда парламентлараро алоқаларни янада фаоллаштиришга доир муҳим масалалар муҳокама қилинди.

Хусусан, қонун чиқарувчи органлар ўртасидаги мулоқотни янги босқичга олиб чиқиш, “дўстлик гуруҳлари” фаолиятини янада кучайтириш борасида фикрлашилди. Бу эса келгусида парламентлараро қўшма қонунчилик ташаббусларини ривожлантириш учун муҳим қадам бўлди.

Албатта, имзоланган ҳужжатлар, ўтказилган учрашувлар Ўзбекистон — Сербия муносабатларининг ҳуқуқий пойдеворини яратди ҳамда ҳамкорлиқни узоқ муддатли, самарали йўналишда ривожлантиришга хизмат қилади, икки халқ манфаати ва иқтисодий тараққиётига ҳисса қўшади.

Анвар ТҲҲЧИЕВ,
Олий Мажлис Сенатининг Аграр, сув ҳўжалиги масалалари ва экология кўмитаси раиси.

Депутатлар — худудларда

ХАЛҚ МАНФААТЛАРИНИ ТАЪМИНЛАШДА
ДАХЛДОРЛИК ҲИССИ

Шу кунларда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари халқ билан яқиндан мулоқотда бўлиш, аҳолини ўйлантираётган масалаларни ўрганиш ва уларга ижобий ечим топиш мақсадида ўзлари сайланган округларда бўлиб, фуқаролар билан самимий суҳбат қилмоқда.

Маҳалла фаоллари, ишлаб чиқариш қорхонаси, кенг жамоатчилик вакиллари иштирокида ўтказилаётган учрашувларда мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотлар, қабул қилинаётган қонунларнинг мазмун-моҳияти ҳақида батафсил маълумот бериляпти.

Шунингдек, худудларда куз-қиш босумига тайёргарлик ишларининг бориши, жумладан, аҳолини, ижтимоий соҳа объектларини, айниқса, тиббиёт ва таълим муассасаларини энергия ресурслари билан узлуксиз таъминлаш бўйича белгиланган вазифалар ҳамда бу борада қўрилаётган чора-тадбирлар ҳолати ўрганилмоқда.

Ёш спортчилар билан учрашув

Қўйи палата депутати Сапаргул Утемуратованинг Қорақалпоғистон Республикасида сайловчилар билан очиқ мулоқотлари ҳар томонлама самарали бўлди.

Депутат дастлаб Нукус шаҳрида жойлашган гимнастика спорт турларига ихтисослаштирилган спорт мактабида бўлиб, бу ерда ёшлар учун яратилган шарт-шароитлар, қўлайликлар билан танишди. Муассасадаги замонавий машғулот заллари ва таълим жараёнини кўздан кечирди.

Мураббийлар ва спортчи қизлар билан суҳбат чоғида сўнгги йилларда Президентимиз раҳбарлигида жисмоний тарбия ва оммавий спортни янада ривожлантириш, аҳоли, айниқса, ёш авлоднинг спорт

билан мунтазам шугўлланиши учун зарур шарт-шароитлар яратиш бўйича кенг қўламли ишлар амалга оширилаётганини таъкидлади. Халқ вакили, шунингдек, ёшларнинг режалари ва оруз-интилишлари билан қизиқиб, уларга улкан зафарлар тилади. Ёш авлодни спортга жалб этиш, аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш ҳамда жисмоний тарбия ва спортни оммалаштириш лозимлиги ургуланди.

— Бугунги кунда маҳалладан бошлаб, ёшларни оммавий спортга жалб этишга катта эътибор қаратишмоқда. — деди депутат С. Утемуратова. — Хусусан, сўнгги йилларда бюджетдан спортга ажратилаётган маблағлар сезиларли равишда ошди. Натижада бугун ёшларимиз спорт соҳасида катта ютуқларга эришиб, Ватанимиз байроғини баланд кўтариб келмоқда. Бу, албатта, ҳар биримизга фахр-ифтихор бағишлайди.

Атмосфера ҳавоси мониторингини ўрганилди

Қонунчилик палатаси депутати Бахтиёр Пўлатов Сурхондарё вилоятидаги учрашувларини Термиз шаҳридаги Санъат саройи худудида жойлашган Атмосфера ҳавоси ифлосланишини автоматик кузатиш станцияси фаолияти билан танишишдан бошлади.

Ўрганиш давомида станциянинг ишлаш принципи, ўлчов тизимининг автоматлаштирилган назорат меха-

Акс садо

ЎЗАРО АЛОҚАЛАРНИ
МУСТАҲКАМЛОВЧИ
МУҲИМ КЕЛИШУВ

Сербия Республикаси Президенти Александр Вучичнинг мамлакатимизга расмий ташрифи доирасида икки давлат ўртасидаги Қўшма декларация имзоланиши Сербия Республикаси билан алоқаларни янги босқичга олиб чиқишга қаратилган муҳим воқеа бўлди.

Мазкур ҳужжат Ўзбекистоннинг Европа мамлакатлари билан ҳамкорлиқни янада ривожлантириш ва улар билан иқтисодий шериклиқни кучайтириш, транспорт-логистика соҳасидаги янги имкониятларни очиш, маданий-гуманитар йўналишдаги ўзаро алоқаларни мустаҳкамлашга хизмат қилиши билан аҳамиятлидир.

Таъкидлаш жоизки, Сербия билан савдо-иқтисодий соҳадаги ҳамкорлик Ўзбекистон манфаатларига тўла мос келади. Сербия Европадаги ривожланаётган минтақавий иқтисодий марказга айланмоқда. Унинг иқтисодиёти диверсификацияланган sanoат базаси, ривожланаётган ахборот технологиялари ва хизмат кўрсатиш соҳалари, тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларга таяниб Болқоннинг энг кучли иқтисодиётларидан бирига айланди. Мамлакат ялли ички маҳсулоти ҳажми 90 млрд. АҚШ долларига етиб, иқтисодиёти сўнгги йилларда стратегик жойлашуви, маҳалаи ишчи кучи ҳамда Европа Иттифоқи, Хитой ва бошқа давлатлар билан савдо алоқалари ҳисобига барқарор ўсиш суръатларини сақлаб қолмоқда.

Ушбу давлат иқтисодиётида янги технологияларнинг роли кучаймоқда. Бу борада ишлаб чиқариш соҳасида, айниқса, автомобилсозлик, машинасозлик ва электр ускуналари, яъни юқори технологик соҳаларда кучли ўсиш кузатилмоқда. Ахборот технологиялари sanoати ҳам сезиларли даражада кенгайиб, Белград минтақавий технология марказига айланди. Бу борадаги стартаплар ва ҳукуматнинг хорижий инвесторларни рағбатлантириши рақамли трансформацияни кучайтирди ҳамда IT хизматлари экспортини оширди.

Шунингдек, мамлакатда фармацевтика, кимё sanoати, қишлоқ ҳўжалиги ва қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш, энергетика тармоқлари жадал ривожланмоқда.

Албатта, ушбу фактлар Сербияни Ўзбекистон учун жозибадор иқтисодий ҳамкор бўлишига хизмат қилади. Ҳозирги кунда икки давлат ўртасидаги савдо айланимаси кўрсаткичи мавжуд имкониятларни акс эттирмагати. Ушбу ташриф давомида олиб борилган музокаралар ҳамда алмашилган ҳукуматлараро ва идоралараро ҳужжатлар, шу жумладан, Инвестицияларни ўзаро рағбатлантириш ва ҳимоя қилиш тўғрисида битим, Иқтисодий ҳамкорлик тўғрисида битим ва бошқалар, шубҳасиз, мамлакатларимиз орасидаги савдо-иқтисодий ҳамкорлиқнинг ривожланишига катта туртки бўлади.

Сербия билан Ўзбекистон ташқи сиёсат борасида ҳам ўзаро яқин ёндашувларга эга. Хусусан, Сербия низо ва можароларни

халқаро ҳуқуқнинг умумэтирофдаги тамойил ва меъёрлар асосида ҳал этиш, сиёсий мулоқотни ҳурмат қилиш тарафдор. Бу борада халқаро институтларнинг муҳимлигини таъкидлайди ва Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, унинг Низоми энг асосий роль ўйнаши кераклигига алоҳида эътибор беради. Шу билан бирга, Сербия ҳозирги шароитда БМТни ислоҳ этиш, у ривожланаётган давлатлар манфаатларига хизмат қилиши зарурлиги бўйича халқаро миқёсдаги гоьларни илгари суради.

Иқтисодий манфаатдорлик бўйича гапирганда, Сербиянинг географик жойлашувини ҳам инобатга олиш керак. Хусусан, унинг Жануби-Шарқий Европадаги географик жойлашуви, Европанинг йирик транспорт йўлақлари чорраҳасида жойлашгани унга Фарбий ва Шарқий Европани боғлайдиган катта транзит салоҳиятини беради.

Мамлакат ҳукумати автомобиль ва темир йўллари, сув шохобчаларини ривожлантириш бўйича қатор йирик лойиҳаларни амалга оширмоқда. Шунинг учун Сербия билан транспорт-логистика соҳасидаги ҳамкорлик Европа билан Осиёни, хусусан, Ўзбекистонни боғлашда катта имкониятларни тақдим этади. Шу нуктаи назардан, музокараларда “Марказий Осиё — Болқон” йўналишида янги транспорт йўлақларини, жумладан, буни Транскасий коридори доирасида ривожлантириш масаласи қайд этилганини Ўзбекистоннинг транспорт-логистика имкониятларини кенгайтиришга қартилган сиёсатининг янги муҳим йўналиши сифатида қўриш мумкин.

Сербия билан маданий-гуманитар соҳадаги ҳамкорлик ҳам катта салоҳиятга эга. Албатта, икки давлат ўртасида таълим, фан, маданият, спорт ва жисмоний тарбия соҳаларидаги ҳамкорлиқни ривожлантиришга қартилган битимларнинг имзоланиши ушбу йўналишларда тизимли алоқа алмашувига хизмат қилади.

Шубҳасиз, Сербия Республикаси Президентининг мамлакатимизга ташрифи ва эришилган келишувлар икки давлат ўртасидаги ҳамкорлиқнинг янги саҳифасини очиб, ўзаро алоқаларнинг сифат жиҳатдан юқори босқичини белгилаб берди. Олий даражада эришилган келишувлар Қонунчилик палатасининг Сербия Республикаси парламенти — Халқ йиғилиши билан алоқаларини кучайтириш ва ўзаро манфаат касб этувчи соҳаларни белгилаб беришда ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Улугбек ШЕРМАТОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Халқаро ишлар, мудофаа ва хавфсизлик масалалари кўмитаси раиси.

ТАШАББУС ВА ҚАТЪИЯТ ТУФАЙЛИ ҲАҚИҚАТГА АЙЛАНГАН ОРЗУ



Шаҳарда “Марказий Осиё: ягона тарих ва умумий келажақ, барқарор ривожланиш ва тараққиёт йўлидаги ҳамкорлик” мавзuidaги халқаро конференция, Инсон ҳуқуқлари бўйича Осиё форуми, Инсон ҳуқуқлари бўйича Самарқанд форуми ва бошқа қатор йирик анжуманларинг муваффақиятли ўтказилди. 2024 йилда у МДХнинг “Маданият пойтахти”га айланди, 2025 йилда эса ISESCO версияси бўйича “Ислом дунёсининг маданият пойтахти” деб эълон қилинди.

Самарқанд — миллий давлатчилигимизга асос бўлган, тарихимиздаги иккала Регессанс даврида ҳам муҳим ўрин тутган шаҳар. Буюк Ипак йўли чорраҳасида жойлашган бу гўша азалдан тарихий урчушлар ва цивилизациялараро мулоқот манзили, маданий-гуманитар алоқаларни, халқаро савдони ривожлантириш, яхши қўшничиликни мустаҳкамлаш кўприги бўлиб келган. Кейинги икки ҳафта ичида ана шу ришталар янада мустаҳкамланди.

ЮНЕСКО Бош конференциясининг 43-сессиясида дунёнинг 194 мамлакатидан 5 мингдан ортиқ юқори мартабали вакиллар, олимлар ва фуқаролик жамияти арбоблари иштирок этиди. Икки ҳафталик конференция давомида таълим, фан, рақамли трансформациялар, маданий меросни сақлаш ва иқлим ўзгаришига қарши кураш масалалари муҳокама этилади.

Конференция доирасида ЮНЕСКОнинг 14-Ёшлар форуми, ЮНЕСКО миллий қомиссияларининг 12-Минтакалараро кенгаши ва “Самарқанд — 3000 йиллик тарихий мерос” илмий конференцияси ҳам бўлиб ўтади, жаҳон ҳамжамияти учун долзарб бўлган кўллаб масалалар муҳокама қилиниши кутилмоқда. Масалан, таълим соҳасидаги глобал тенденциялар ва истиқболлар ана шулар жумласидан. Конференцияда таълимнинг барча даражаларидаги (мактабгача, умумий ўрта, олий таълим ва бошқалар) муаммолар, ютуқлар ва келгуси ривожланиш йўллари муҳокама қилинади. Рақамли технологияларнинг таълимга кириб келиши, онлайн таълимнинг ривожланиши, ўқитувчиларнинг малакасини ошириш каби масалалар алоҳида эътиборга сазовор бўлади. Бундан ташқари, илмий тадқиқотларнинг натижалари, инновацияларнинг иқтисодий ўсишга қўшаётган ҳиссаси, сунъий интеллектнинг ривожланиши ва унинг жамиятга таъсири каби масалалар муҳокамалар марказида туради.

Шунингдек, иқлим ўзгариши, энергия самарадорлиги, экологик муаммоларни ҳал этишда фан ва технологияларнинг ролига ҳам эътибор қаратилади. Бутунжаҳон маданий ва табиий меросини асраш, маданий хилмахиллиқни таъминлаш, маданий қадриятларни тарғиб қилиш каби масала-

лар конференциянинг муҳим мавзуларидан бири бўлади. Қуроли тўқнашувлар ва табиий офатлар оқибатида маданий ёдгорликларга етказилган зарарни бартараф этиш, номоддий маданий меросни сақлаш ва ривожлантиришга қаратилган лойиҳалар ҳам муҳокама қилинади. Ахборот эркинлиги, медиа саводхонлиги, интернетдан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш, ёлгон ахборотга қарши курашиш каби масалалар кўтарилди.

Бундан ташқари, рақамли тенгликни таъминлаш, киберхавфсизликни кучайтириш, шахсий маълумотларни ҳимоя қилиш каби масалалар ҳам муҳокама этилади. Гендер тенглигига эришиш, аёлларнинг таълим ва фан соҳаларида иштирокини ошириш, ёшларнинг бандлигини таъминлаш, уларнинг ижтимоий фаоллигини қўллаб-қувватлаш каби масалалар конференцияда алоҳида эътибор қаратиладиган мавзулар сирасига киради. Ёшларнинг радикализм ва экстремизмга қарши курашишдаги роли, уларнинг ижтимоий ҳаётда фаол қатнашишини таъминлашга қаратилган лойиҳалар ҳам муҳокама марказида бўлади.

Шу кунларда Самарқанд нафақат дипломатик учрашувлар майдониға, балки маданий ва бадий тадбирлар марказига

Ўзбекистон ва ЮНЕСКО ўртасидаги ҳамкорлик тарихи ўттиз йилдан ортиқ вақтни ўз ичига олади. 2017 йилдан бошлаб, Президент Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида кенг қўламли ислохотлар бошланганидан сўнг ташкилот билан шериклик янги даражага кўтарилди. 2022 йилда Парижда ўзаро англашув меморандуми имзоланди, бу қўшма ташаббуслар учун янги истиқболларни очди.

ҳам айланади. Меҳмонларга ўзбек мумтоз мусиқаси ва анъанавий ҳунармандчилик элементлари тақдим этилади. Форум иштирокчилари 5 гектар майдонга эга янги “ЮНЕСКО боғи”га қўчат экишда қатнашади. Самарқандда бундай муҳим тадбирнинг ўтказилиши мамлакатнинг халқаро обрўсини ва унинг маданий дипломатиясини мустаҳкамлайди.

ЮНЕСКОнинг мамлакатимиздаги ваколатхонаси раҳбари Сара Ношади хоним таъкидлаганидек, Бош конференциянинг 40 йил ичида биринчи марта Париждан ташқарида ўтказилиши Ўзбекистоннинг муҳим дипломатик муваффақияти ва халқаро майдонда унга бўлган ҳурмат-ишончнинг далилидир. Унинг сўзларига кўра, бу тадбир нафақат Ўзбекистон, балки бутун Марказий Осиё учун ҳам катта аҳамиятга эга. Мазкур конференция туфайли минтақанинг бой маданий мероси бутун дунёда янада танилади. Бу шунчаки конференция эмас, бу Ўзбекистон дунёга очиладиган маданий дарчадир. Зеро, Ўзбекистон сўнгги қирқ йил ичида ЮНЕСКО Бош конференциясини Париждан ташқарида ўтказишга жазм этган биринчи давлат бўлди.

— Нега айнан Ўзбекистон? Чунки у орзу қилишдан кўрқмади, — деди Ношади. — ЮНЕСКОнинг асосий форумини Франция пойтахтидан ташқарида ўтказиш узок вақт давомида имконсиздек туюлган, бироқ Тошкентнинг ташаббуси ва қатъияти туфайли бу ҳақиқатга айланди.

Бош конференция ташкилотнинг ҳар икки йилда бир марта барча аъзо давлатларни бирлаштирадиган асосий форумидир. Айни пайтда Самарқандда ЮНЕСКОнинг Ёшлар форуми бўлиб ўтмоқда, унда дунёнинг турли бурчакларидан

келган ёш делегатлар таълим, маданият, фан ва коммуникацияларни ривожлантириш масалаларини муҳокама қилмоқда.

Ўзбекистон ва ЮНЕСКО ўртасидаги ҳамкорлик тарихи ўттиз йилдан ортиқ вақтни ўз ичига олади. 2017 йилдан бошлаб, Президент Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида кенг қўламли ислохотлар бошланганидан сўнг ташкилот билан шериклик янги даражага кўтарилди. 2022 йилда Парижда ўзаро англашув меморандуми имзоланди, бу қўшма ташаббуслар учун янги истиқболларни очди. Бугунги кунда мамлакатимизда ЮНЕСКОнинг Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги билан биргаликдаги энг йирик таълим дастурларидан бири амалга оширилмоқда. Педагог кадрларни тайёрлаш, касбий маҳорат марказларини яратиш ва “TVET” тизимини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилаётир.

Бундан ташқари, маданий мерос муҳофазаси ва тарғиботи бўйича фаол ишлар олиб бориляпти. Ўзбекистон маданият соҳасидаги лойиҳаларни молиялаштириш ҳажми бўйича минтақада етакчи ўринлардан бирини эгаллайди, бу мамлакатнинг ўз тарихи ва ўзига хослигини чуқур англашидан далолат беради.

1993 йилда ЮНЕСКОга аъзо бўлиш билан Ўзбекистон миллий таълим тизими, илмий салоҳият ва бой маданий мероснинг жаҳон интеллектуал маконига интеграциялашувига йўл очди. 1996 йилда Тошкентда ЮНЕСКО ваколатхонасининг очилиши икки томонлама муносабатлар ривожига янги босқични бошлаб берди. Бундан ташқари, барқарор ҳамкорлиқни таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг ЮНЕСКО ишлари бўйича Миллий комиссияси ташкил этилди. У ҳозиргача мулоқот ва шериклик учун фаол платформа бўлиб келмоқда. Бутун ҳамкорлик давомида Ўзбекистон таълим, фан ва спорт соҳаларида халқаро норма ва принципларни изчил жорий этиб келмоқда. Бу борадаги муҳим қадамлардан бири 1997 йилда Таълим соҳасида камситишга қарши кураш тўғрисидаги 1960 йилги конвенциянинг ратификация қилиниши бўлди, бу эса таълим тизимида тенглик ва адолатли таъминлашга қаратилган. Шунингдек, ўша йили Ўзбекистон 1989 йилги Техник ва профессионал таълим тўғрисидаги конвенцияга қўшилди, бу эса ёшларнинг замонавий касблар ва амалий қўникмаларни эгаллаш имкониятларини кенгайтиришга, таълимни реал ҳаёт билан яқинлаштиришга хизмат қилди. Ушбу чоралар Ўзбекистоннинг жаҳон таълим маконидagi мавқеини мустаҳкамлашда ва мамлакатнинг инсон капиталини ривожлантиришга қатъий содиқлигини намоиш этишда муҳим роль ўйнади. Ушбу конвенцияларга қўшилиб, Ўзбекистон таълим сифати ва тенглиги, ёшларнинг саломамлиги ва фаровонлиги, шунингдек, профессионал таълимни халқаро стандартларга мувофиқлаштиришга содиқлигини намоиш қилди.

Ҳозирги кунда Ўзбекистон ЮНЕСКОнинг Олий таълимга оид малакаларни тан олиш тўғрисидаги глобал конвенциясига қўшилиш бўйича амалий қадамлар қўймоқда. Ушбу ҳужжат халқаро таълим тизимларини ўйунлаштириш, диплом ва малакалар ўзаро тан олиншини таъминлаш, шунингдек, академик ва илмий мобилликни кенгайтиришга қаратилган. Ушбу ташаббус Ўзбекистон олий таълим тизимининг очиклиги ва рақобатбардошлигини жаҳон миқёсида кўтаришга, хорижий университетлар билан ҳамкорлиқни кенгайтиришга ва ўзбек битирувчиларининг хорижда ишга жойлашиш даражасини оширишга хизмат қилади. 2021 йил 10 декабрь кўни Тошкент шаҳрида Олий таълимга оид малакаларни тан олиш тўғрисидаги глобал конвенцияни қабул қилиш ва амалга ошириш мақсадида манфаатдор томонларнинг ҳамкорлигини мустаҳкамлаш бўйича юқори даражадаги экспертлар йиғилиши бўлиб ўтди. Миллий ва халқаро экспертлар, давлат органлари ва олий ўқув юртлари вакиллари Ўзбекистоннинг ушбу конвенцияга қўшилишининг миллий олий таълим тизимини жаҳон академик маконига интеграциялашувни йўлидаги муҳим қадам сифатидаги аҳамиятини муҳокама қилди.

ЮНЕСКО Бош конференциясининг 43-сессияси арафасида Ўзбекистон Республикаси ташкилот билан ҳамкорлиқни мустаҳкамлаш йўлида яна бир муҳим қадамни ташлади. Ташкилот Ижроия кенгашининг 222-сессияси доирасида Ўзбекистон ташаббуси билан Тошкент шаҳрида ЮНЕСКО ҳузуридаги Мактабгача таълимни ривожлантириш бўйича II тоифадаги минтақавий марказни ташкил этиш тақлифи маъқулланди. Ушбу қарор Ўзбекистоннинг “Таълим бўйича глобал кун тартиби — 2030” мақсадларини илгари суришдаги етакчилигини ва мамлакатнинг эрта ёшдан ривожланиш соҳасида инновациялар ва малака маркази сифатидаги ўсиб бораётган ролини белгилляди. Мазкур янги марказ мамлакатимизда мактабгача таълим бўйича илгор халқаро тажриба алмашиш, педагог кадрлар тайёрлаш ва малакасини ошириш, илмий тадқиқотлар ўтказиш ва инновацион ёндашувларни жорий этиш, давлатлараро ҳамкорлик ва ЮНЕСКО билан алоқаларни мустаҳкамлашга хизмат қилади. Марказнинг ташкил этилиши Ўзбекистоннинг ҳар бир бола учун сифатли, инклюзив ва барқарор таълимни ривожлантиришга содиқлигини яна бир бор тасдиқлайди.

ЮНЕСКО Бош конференциясининг Самарқандда ўтказилиши Ўзбекистоннинг халқаро майдондаги обрўсини янада мустаҳкамлайди, мамлакатга жаҳон ҳамжамиятининг эътиборини жалб этади. Конференция давомида қабул қилинадиган қарорлар ва тавсиялар жаҳон тараққиётига хизмат қилади, таълим, фан, маданият ва ахборот соҳаларидаги ҳамкорлиқни янада ривожлантиришга ёрдам беради. Шунингдек, конференция Ўзбекистон учун ўз тажрибасини бошқа мамлакатлар билан бўлишиши, янги ҳамкорлик алоқаларини ўрнатиш ва халқаро лойиҳаларда иштирок этиш имкониятини беради.

Абдували СОЙБЕНАЗАРОВ, (Халқ сўзи) шарҳловчи.

Ўзбекистон — Финляндия:

ҲАМКОРЛИКНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧИ САРИ

Суҳбат давомида томонлар турли соҳаларда мулоқотни ривожлантириш ва қўшма лойиҳаларни амалга оширишдан ўзаро манфаатдор эканликларини яна бир бор тасдиқладилар.

2020 йилдан бери ривожланиб келаётган парламентлараро алоқалар ҳам ишонч ва ўзаро тушуниш муҳитини яратишга ҳисса қўшяпти.

Халқаро майдонда расмий Тошкент ва Хельсинкининг позициялари ўхшаш. Ҳар икки мамлакат кўп томонлама мулоқотни мустаҳкамлаш, можароларни тинч йўл билан ҳал қилиш ва барқарор ривожланишда ҳамфикрdir. Финляндия Ўзбекистоннинг БМТ ва бошқа халқаро тузилмалар доирасидаги ташаббусларини ҳам фаол қўллаб-қувватлаб келмоқда, бу ўзаро ишончнинг юқори даражасини акс эттиради.

Сўнгги йилларда Ўзбекистон ва Финляндия ўртасидаги иқтисодий алоқалар сезиларли даражада фаоллашди. Ҳозирда мамлакатимизда машинасозлик, озик-овқат маҳсулотларини қайта ишлаш, телекоммуникация, тоза технологиялар ва агросаноат соҳаларида фаолият юритувчи Финляндия капитални иштирокидаги 13 та корхона мавжуд.

Ишбилармонлик алоқаларини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Масалан, 2017 йилда Финляндиянинг ташқи иқтисодий алоқалар бўйича давлат котиби ўринбосари Маркус Койвунен бошчилигидаги бизнес-делегация Тошкентга ташриф буюрди. Унинг таркибидан Ўзбекистонда қўшма лойиҳаларни амалга оширишга қизиқиш билдирган тўққизта йирик Финляндия компанияси вакиллари ўрин олди.

Финляндия Марказий Осиёнинг барқарор ривожланишини қўллаб-қувватловчи минтақавий ташаббусларда ҳам фаол иштирок этаётир. Жумладан, Финляндия Ташқи ишлар вазирлиги Ўзбекистон каби минтақа мамлакатларида экология, сув ресурслари ва метеорология соҳаларидаги лойиҳаларни молиялаштиради. Ушбу ташаббуслар “яшил” иқтисодиёт ва инновация соҳаларида узок муддатли ҳамкорлик учун мустаҳкам пойдевор яратади.

«Дунё» АА.

ҲАМЖИҲАТЛИК
ФАОЛ ЁШЛАР УЧУН
ҚУЛАЙЛИК

Тўрақўргон туманининг Бордимкўл маҳалласида жойлашган 25-умумтаълим мактаби ўқитувчи ва ўқувчиларининг узок йиллик орзуси бўлган ёпик стадион қуриб битказилди. “Ташаббусли бюджет”нинг биринчи мавсумида ғолиб чиққан лойиҳа доирасида қўлга киритилган 1 млрд. 490 млн. сўм маблағ эвазига барпо этилган сунъий қопламали замонавий иншоотда ёшларнинг жисмоний чиникиши учун зарур шароитлар яратилган.

“Чортоқ қурилиш” масъулияти чекланган жамияти бўёёдорлари томонидан қисқа муддатда барпо этилган иншоотдан волейбол, баскетбол майдонлари, кийиниш, ювиниш хоналари ўрин олган бўлиб, эндиликда ўқувчилар бу масканда йилнинг тўрт фаслида ҳам жисмоний тарбия машғулотлари билан шуғулланиши, турли даражадаги мусобақалар ўтказилиши мумкин.

— Ўқувчиларимиз ўртасида спортда ўзини кўрсатаётган иқтидорлар кўпайиб бормоқда, — дейди мактаб директори Баҳодир Исроилов. — Мана, яқинда 9-синфда таҳсил олаётган Диёра Ёқубжоновна ёшлар ўртасида тазковнода бўйича уюштирилган халқаро мусобақада ўз вазн тоифасида биринчи ўринни эгаллади. Яна бир тазковночимиз Жаҳонгир Паттаев эса Осиё чемпиони бўлган. Ишга туширилган янги стадион бу сингари маҳоратли спортчилар сафини янада кенгайтиришга хизмат қилади, деб ишонман.

Спорт иншоотининг очилиш маросими нафақат таълим даргоҳи жамоаси, балки бордимкўллик ёшлар учун ҳам байрамга айланди. Тақдиротдан сўнг ўйингоҳда биринчи мусобақа — маҳалла ва мактаб вакилларидан иборат жамоаларнинг ўртоқлик учрашуви ташкил этилди.

Қудратилла НАЖМИДДИНОВ (Халқ сўзи).



ТАРАҚҚИЁТ МАНЗИЛАРИ

Адирликдаги саноат мажмуаси

Бағрида чўп ҳам кўкармаган, табиатнинг изгирин шамолларига таслим бўлган чўллашган маскан эди бу адирлик. Бир қарашда умидсизлик тисмоли эди. Энди эса инсон қўли билан обод масканга айланди. Мана шу кенгликда замонавий ишлаб чиқариш мажмуаси — “Мегатон” газоблоқ заводи қад ростлади. Бу йирик лойиҳа фидокорона меҳнат, мустаҳкам ирода ва бекёёё меҳр маҳсулидан яралган ҳаёт манзарасидир.

Мамлакатимизда урбанизация жараёни кучайиб бораётган бир пайтда, қурилиш материаллариға бўлган талаб йил сайин ошмоқда. “Мегатон”нинг газ-бетон маҳсулотлари эса ушбу эҳтиёжни сифат ва миқдор жиҳатдан қондиршида муҳим роль ўйнамоқда.

“Наманган” эркин иқтисодий зонасида амалга оширилган ушбу лойиҳа доирасида 40 млн. долларлик иш қилинди. Мажмуа Хитой, Германия ва Дания каби илгор давлатлардан келтирилган замонавий ускуналар билан жиҳозланди. Айнқиса, Германиянинг энергия теҳамкор технологияси жорий этилган иш самарадорлигини ошириш имконини берапти. Электр энергияси сарфи 45 фоизгача камайгани бунинг яқол исботидир.

Маҳсулот ишлаб чиқариш учун юқори сифатли цемент “Мегатон”га

қарашли “Наманганцемент” заводи томонидан етказиб берилляпти. Натияжада қўшилган қиймат занжири яратилди. Айни пайтда корхонада 500 нафарга яқин ишчилар меҳнат қилаётган бўлса, улар орасида вақтинча ишсизлар, меҳнат миграциясидан қайтганлар, “темир дафтар” рўйхатидаги фуқаролар бор.

— Одамлар ишли бўлса, oilаси тинч, турмуши фаровон бўлади, — дейди корхона директорининг ўринбосари Мирмуҳсин Хайдаров. — Биз маҳаллий аҳоли учун барқарор иш ўринлари яратиш мақсадида фаолиятимизни кенгайтириш устида изланяямиз.

Бугун юзлаб чустликлар завқини ошириб, янги умидлар билан яшашиға ундаётган корхонанинг олдинда ҳали янги-янги лойиҳалари кўп. Масалан, “Мегатон” мажмуасининг иккинчи босқичида автоклав газоблоқ, маҳсус кимёвий оширмалар, елим ва бошқа қурилиш материалларини маҳаллийлаштириш кўзда тутилган.

Норин хонабалиқлари

Қадимда ботқоқликдан иборат Норин тумани ерлари йиллар ўтиб, маданияллашди. Бунда асл мироб ва чин дехқонларнинг хизматлари катта бўлган. Қирғиз Республикасидан Ўзбекистонга оқиб ўтган Норин дарёси дастлаб, Учқўргон, сўнг Норин тумани далаларини суғоради. Шу

боис дехқончилик туман ахлининг тирқчилиқ манбаи бўлган. Энди эса балиқчилик ҳар бир хонадонға кириб борапти.

Президентимиз вилоятға ташриф давомида “Fishwell Norin” корхонаси фаолиятига алоҳида эътибор қаратди. Уч миллион долларлик сармоя, икки гектар ер майдонидаги 76 та инновацион ховуз, йилға 2 минг тонна хонабалиқ (форель) етиштириш қуввати — буларнинг барчаси замонавий агро-бизнеснинг ривожидан далолат. Айни пайтда 40 та ховуз ишга туширилган бўлиб, лойиҳа тўлиқ аяқланганға, экспорт ҳажми 5 млн. долларға етиши кутиялпти.

Суперинтенсив усулда балиқ етиштириш — кам харажат эвазига юқори маҳсулдорлиқни қўзлайди. Айтайлик, энергия теҳамкор ускуналардан фойдаланилиши туфайли электр энергияси сарфи икки борибарға камайган. Пировардида маҳсулот таннаҳи тушиб, рақобатбардошлиғи ортмоқда.

— Личинкаларни ўзимизда етиштирялғимиз, озуға эса Германия ва Эрондан олиб келинади, — дейди тадбиркор Азизбек Даминов. — Ховуларда сувнинг тинимсиз айланиши, покиза сакланиши, озуканинг ўз вақтида берилиши буларнинг барчаси юқори маҳсулдорлик гаровидир.

Табиий ресурслардан оқилона

фойдаланиш масаласи ҳам инобатға олинган. Норинда ер ости сувлари юзаға яқин жойлашган. Шу сабабли зах-шўр сувлардан халос бўлиш учун тик кудуқлар қазилган. Улардан чиқаётган соф мелиоратив сув эса айнан форель парвартилашға мос. Битта ана шундай кудуқда йилға 13 — 20 тоннагача балиқ етиштириш мумкин.

Бугунги кунда Хўжақўргонға маҳалласидаги 25 хонадон корхона билан кластер тизимида ҳамкорлик қилмоқда. Уларнинг ҳар бири йилға 150 млн. сўмгача даромад қўраётгани рақамлар ортида турган ҳаётни, теран ўзгаришларни кўрсатади.

Туман ҳокимининг ўринбосари — инвестициялар, саноат ва савдо бўлими бошлиғи Шухратжон Йўлдошевнинг айтишича, балиқчилик туман иқтисодиётини диверсификация қилишнинг самарали йўналишиға айланади. Янада муҳим томони, аҳоли иштирокида кластер шаклланди, бу эса таълим, теҳнология, инвестиция ва маҳсулот занжирининг уйғунлигини таъминляпти.

«Яшил» энергия даври

Бир қарашда, сув — табиий нёғмат. Аммо у билан тўғри “муомала”да бўлиш, ундан ҳаёт учун манфаатли энергия ҳосил қилиш осон эмас. Бунға билим, замонавий теҳнология ва юксак ишонч билан эришилади. Шу маънода, “Норин ГЭСлар каскади” лойиҳаси нафақат Наманган, балки бу-

Маданий ва таълим соҳаларидаги ҳамкорлиқнинг ривожланиши Ўзбекистон — Финляндия муносабатларида алоҳида ўрин тутди. 2022 йил сентябрь ойида Тошкентда Финляндиянинг “Nordic University” филиали очилди. Мазкур университет молия, халқаро муносабатлар ва ахборот теҳнологиялари соҳаларида мутаҳассислар тайёрлаш учун муҳим платформаға айланди.

Расмий Тошкент ва Финляндия университетлари ўртасида фаол академик ҳамкорлик йўлга қўйилган. Масалан, Турку номидаги Скандинавия менежмент университети ўзбекистонлик шериклар билан менежмент ва инновациялар соҳасидаги лойиҳалар бўйича ҳамкорлик қилади.

Ўзбекистон ва Финляндия ўртасидаги муносабатларнинг ривожланиши мамлакатимиз ва Шимолй Европа давлатлари ўртасидаги ҳамкорлиқни чуқурлаштиришнинг умумий тенденциясини акс эттиради. Мулоқот илгари камдан-кам ҳолларда бўлган бўлса-да, ҳозирда у сиёсат ва иқтисодиётдан тортиб таълим ва маданиятгача бўлган кенг қамровли соҳаларни қамраб олгани билан аҳамиятдадир.

Иккала мамлакат ҳам ўз минтақаларида, хусусан, Ўзбекистон Марказий Осиё маркази ўлароқ, Финляндия эса Европа ва Арктика ташаббусларида фаол иштирокчи сифатида муҳим ўрин эгалляйди. Мамлакатларимизнинг икки томонлама ҳамкорлиги жадал ривожланаётган икки минтақа ўртасида кўприк вазифасини бажаради ҳамда тинчлик, ўзаро тушуниш ва барқарор тараққиётни рағбатлантиради.

Сўнгги сўз ўрнида айтиш мумкинки, Финляндия Президенти Александр Стуббнинг Ўзбекистонға расмий ташрифи янги босқичға қадам қўяётган ўзбек — фин муносабатларини ривожлантиришда муҳим палла бўлади. Ўзаро манфаатдорлик, прагматик ёндашув ва умумий қадриятлар икки мамлакат ва халқларимиз манфаатлариға жавоб берадиган шерикликни янада кенгайтириш учун ишончли асос яратади.

БРЮССЕЛДА ИМЗОЛАНГАН ТАРИХИЙ ҲУЖЖАТ

Ўзбекистон ва Европа Иттифоқи ўртасидаги кўп қиррали ҳамкорликни сифат жиҳатдан юқори босқичга кўтаради



Бу сиёсий мулоқот ва демократик бўшқарувни мустаҳкамлаш, савдо ва инвестицияларнинг эркин ҳаракатиغا кўмаклашиш, рақамли трансформация ва “яшил” иқтисодиётга ўтишни қўллаб-қувватлаш, хавфсизлик соҳасидаги ҳамкорликни чуқурлаштириш, шу жумладан, терроризм ва уюшган жиноятчиликка қарши курашиш, Марказий Осиё ва Европа ўртасида барқарор транспорт ҳамда энергия алоқаларини ривожлантириш бўйича кўшма мажбуриятни акс эттиради. Шунингдек, ўзаро тан олиш механизмларини кучайтиради ва инвестицияларни ҳимоя қилишда ҳамда Ўзбекистонга сармоя киритувчи Европа компаниялари учун янада шарафдор ва хавфсиз муҳит яратеди.

Бу, ўз навбатида, 450 млн. аҳолига эга ЕИ бозорини тўқимачилик ва кимё саноати маҳсулотларидан тортиб, қишлоқ ҳўжалиги, озиқ-овқат ва истеъмол товарлари каби жуда кенг асортиментдаги ўзбек товарлари учун очиб беради. Бошқача айтганда, битим иқтисодиёт модернизацияси ва ўзаро боғланишининг янги босқичига тамал тоши бўлиб хизмат қилади. У Ўзбекистон стандартларини ЕИ меъёрлари билан ўйналтирилади, мамлакатни Европа иқтисодий маконига босқичма-босқич интеграция қилади. Амалда бу савдо тартиб-қоидаларини соддалаштириш ва Европа Иттифоқи стандартларига мувофиқ рақамли божхона тизимларини жорий этишни, “Глобал дарвоза” ташаббуси орқали инфратузилма, қайта тикланадиган энергия ва ҳусусий сектор инновациялари учун ЕИнинг молиявий воситаларига киришни, Ўзбекистоннинг “Eurasim+”, “Horizon Europe” дастурларида иштирок этишига ёрдам берувчи кўшма тадқиқот ва таълим дастурлари ҳамда касбий таълим, “яшил” технологиялар ва муҳим хомашё соҳасидаги ҳамкорликни кенгайтиришни ва мамлакатимизнинг саноат модернизациясини қўллаб-қувватлашни англатади.

Узоқ муддатли истиқболда Брюссель ва Тошкент транспорт ҳамда логистика тармоқларини Ўрта йўлак ва Каспий йўналиши орқали Европа таъминот занжирлари билан боғловчи “Марказий Осиё — ЕИ” алоқа йўлагини яратишни мақсад қилган. Бу режанинг амалга ошиши икки ҳудуд ўртасида савдонинг тез, “яшил” ва тежамкорроқ йўлга қўйиш имконини беради. Ўзбекистонда олиб борилаётган ислохотлар ўсаятган Европа сармояларини, хусусан, Германия, Нидерландия, Италия ва Бельгия каби давлатлардан жалб қилишни тезлаштиришига имкон яратеди.

Кенгайтирилган шериклик ва ҳамкорлик тўғрисидаги битим миқёсли



ҳуқуқий ҳимоя ва ЕИ кредит кафолатларидан фойдаланиш орқали лойиҳалар жозибадорлигини оширишга ёрдам беради. Қайта тикланадиган энергия, “ақлли” қишлоқ ҳўжалиги ва “кўҳна китба” бозорларига экспорт қилиш учун озиқ-овқат маҳсулотларини қайта ишлаш, рақамли иқтисодиёт, фармацевтика ва ҳаёт ҳақидаги фанлар каби соҳаларда янги ҳамкорлик кутилмақда. Европа-лиқ инвесторлар учун Ўзбекистон ёш ва билимли ишчи кучи, солиқ имтиёзлари ва 40 миллионга яқин истеъмолчиларга эга жадал ривожланаётган ички бозорни таклиф этади.

Иқтисодий интеграция

Европа Иттифоқи учун Ўзбекистон билан ҳамкорликни чуқурлаштириш унинг Марказий Осиёдаги стратегик мавқеини мустаҳкамлайди, бошқа глобал етказиб бериувчиларга қарамликни камайтиради. Ўзбекистон учун ушбу битим жаҳон бозорларига интеграциялашган замонавий, экспортга йўналтирилган иқтисодиётга ўтишни тезлаштиради. Бу мамлакатга, хусусан, тўқимачилик, машинасозлик ва озиқ-овқат саноатида норесурс экспортини кенгайтириш, янги технологиялар ва рақамли воситалардан фойдаланиш, минтақавий энергия ва иқлим ташаббусларида иштирок этиш ҳамда бошқарув, ҳуқуқ ва атроф-муҳитни бошқариш соҳасида институционал салоҳиятини мустаҳкамлаш имконини беради. Шунингдек, у “Global Gateway” дастури доирасида ҳамкорликни кенгайтириш кўзда тутилган стратегиянинг бир қисмидир.

Дастур доирасида Европа Марказий Осиё, хусусан, Ўзбекистон билан ҳамкорликни 12 млрд. евро миқдоридagi маблағ билан мустаҳкамлашни кўзда тутди. Бу, албатта, Ўзбекистоннинг Европа билан иқтисодий интеграцияни чуқурлаштириш ҳамда “GPS+” дастури доирасида Европа бозорларига кириш учун муҳим қадамдир.

Маълумотларга қараганда, 2023-2024 йилларда Ўзбекистон ва ЕИ ўртасидаги савдо айланмаси 8 фоиз ўсиб, 6,4 млрд. еврони ташкил этди. Мазкур кўрсаткичлар ўтган йиллар билан таққосланганда салмоқли натижа қўлга киритилганлиги

ойдинлашади. Ва бу, шубҳасиз, Президент Шавкат Мирзиёев томонидан Европа мамлакатлари билан муваффақиятли ҳамкорлик йўлида яратилган ижобий муҳит самарасидир.

Таъкидлаш керакки, иқтисодий рақобатбардорлиқнинг секинлашуви шароитида ЕИ ўз савдосини кенгайтириш учун янги, динамик бозорларга тобора кўпроқ муҳтож. Марказий Осиё аҳолисининг қарийб 45 фоизи истиқомат қиладиган ва туғилиш кўрсаткичи дунёда энг юқори ўринлардан бирини эгаллаган Ўзбекистон муттасил ўсиб бораётган истеъмол бозори ҳисобланади. Бундан ташқари, Президентимиз раҳнамоллигида мамлакатда ижтимоий-иқтисодий ўзгаришларга муносиб ҳисса қўшаётган ёшларга таълим ва касб-ҳунар ўргатиш борасида фаол сиёсат юритилмоқда. Жаҳон банки маълумотларига қўра, Ўзбекистон иқтисодий ислохотлар суръати бўйича дунёда етакчи ўринлардан бирини эгаллаб, даромади

қазилмалар соҳасидаги ҳамкорликни оsonлаштиради, албатта.

Президент Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан амалга оширилаётган улкан ислохотлар доирасида мамлакатни маҳаллий, минтақавий ва жаҳон бозорларига очибга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Пировардида ишбилармонлик муҳити ва меҳнат шaroитларини яхшилаш, маъмурий жавобгарлик, суд-ҳуқуқ тизими, хавфсизлиқни таъминлашда ижобий натижалар қўлга киритилди. Энг муҳими, Ўзбекистон қўлгина товарлар учун божсиз ва квотасиз ЕИ бозорларига киришни таъминлаётган ҳамжамиятнинг умумий имтиёзлар тизими — “GSP+”га қўшилди. Ушбу йўналишдаги ислохотлар изчил давом эттирилаётгани эса унинг жозибадорлигини янада оширмоқда, десак, айни ҳақиқат.

Марказий Осиё минтақаси, хусусан, Ўзбекистон узоқ вақтдан буюн Европада қизиқиш уйғотиб келган. Аммо мавжуд сиёсий шарoитлар ҳар доим ҳам бундай ҳамкорликнинг

“Маълумотларга қараганда, 2023-2024 йилларда Ўзбекистон ва ЕИ ўртасидаги савдо айланмаси 8 фоиз ўсиб, 6,4 млрд. еврони ташкил этди. Мазкур кўрсаткичлар ўтган йиллар билан таққосланганда салмоқли натижа қўлга киритилганлиги ойдинлашади. Ва бу, шубҳасиз, Президент Шавкат Мирзиёев томонидан Европа мамлакатлари билан муваффақиятли ҳамкорлик йўлида яратилган ижобий муҳит самарасидир.”

ўртача ва паст бўлган кўллаб мамлакатларни ортда қолдирди. Бу эса унинг ЕИ учун савдо ва инвестициялар бўйича жозибадор ва стратегик жиҳатдан муҳим ҳамкорга айлантиради.

Ишончли таъминот занжири

Европа Иттифоқи иқтисодиётининг рақобатбардорлиги ҳақида гап кетганда, саноат ишлаб чиқаришида муҳим ва ноёб ер минералларининг ортиб бораётганига эътибор қаратиш муҳимдир. ЕИнинг “яшил” суд тартиби ва барқарор энергияга содиқлигига мувофиқ, нодир металллар батареялар ва “яшил” технологиялар ишлаб чиқаришда муҳим роль ўйнайди. Шу сабабли бундай ресурслар учун янги ва ишончли таъминот занжирини яратиш устувор вазифага айланди. 30 дан ортиқ минерал ресурслар, жумладан, мис, молибден, селен, литий, кадийм каби ноёб ер элементларига эга Ўзбекистон ушбу соҳада ҳам истиқболли ҳамкор ҳисобланади. Юқорида айтилган битимнинг имзоланиши Европа ва Ўзбекистон компаниялари ўртасида муҳим фойдали

тўлиқ салоҳиятини рўйбга чиқаришга имкон бермаган. Шу жиҳатдан, битимнинг имзоланиши ЕИ ва Марказий Осиё тараққиётининг навбатдаги босқичи учун янги соҳалар ва шериклар излаётган ҳозирги шарoитда жуда муҳимдир.

Кенг қўламли ташаббуслар қамрови

Таълим ва фан ушбу битим қамраб олган ҳамкорлик соҳалари қаторига кирган. Ўзбекистон аҳолисининг 60 фоизини 30 ёшгача бўлганлар ташкил этадиган ва аҳолиси ҳар йили миллиондан ортиқ кишига қўлайдиган мамлакатдир. Бундай навқирон ва ўсиб бораётган аҳоли учун юқори

Кенгайтирилган шериклик ва ҳамкорлик тўғрисидаги битим Ўзбекистонга Европа бозорига кенгроқ кириш, замонавий технологияларни жалб этиш, иқтисодиётни диверсификация қилиш ва давлат бошқаруви тизимини такомиллаштириш имконини беради. Шунингдек, бу битим Ўзбекистоннинг халқаро майдондаги нуфузини оширишга, демократик ислохотларни қўллаб-қувватлашга ва инсон ҳуқуқлари ҳимоясига хизмат қилиши билан ғоятда аҳамиятлидир.

Шерзод СИНДОРОВ, Тошкент давлат иқтисодиёт университетининг Инфратузилмани ривожлантириш ва иқтисодиёт ишлари бўйича проректори, иқтисодиёт фанлари доктори, профессор.

Халқ сўзи

Народное слово

танловига

сифатли таълимни таъминлаш нафақат масъулият, балки мамлакатнинг ривожланиши учун улкан имкониятдир. Табиийки, бунга кенг халқаро ҳамкорликсиз эришиб бўлмайди. Бунда Европа университетлари шерик бўлиши мумкин.

Халқаро талабалар алмашинуви-ни муваффақиятли ривожлантиришнинг муҳим шарт, албатта, университетлар ўртасидаги илмий ҳамкорлик, жумладан, Ўзбекистон ва Европа Иттифоқи “Horizon Europe” каби халқаро тадқиқот дастурларида биргаликда иштирок этиши бўлиши керак. “Horizon Europe” доирасида грантлар олиш мураккаб вазифадир. Шунинг учун Европа ва Ўзбекистон олий ўқув юртлиари ректорлари ҳамда тадқиқотчилари қатнашадиган учрашувлар, конференциялар ва конгресслар жуда муҳим. Ушбу учрашувлар ўзаро ишончли мустаҳкамлашга ва мунтазам равишда эълон қилинадиган грант танловларида муваффақиятли иштирок эта оладиган тадқиқот гуруҳларини шакллантиришга ёрдам беради.

ЕИ билан ҳамкорлик кўшма инфратузилма ва рақамли лойиҳалардан тортиб, туризмни глобал миқёсда тарғиб қилишгача бўлган кенг қўламли ташаббусларни қамраб олади. Жорий йил апрель ойда Самарқандда биринчи “Марказий Осиё — ЕИ” саммитининг ўтказилиши муҳим босқич бўлди, унда туризмни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилган стратегик шериклик тўғрисидаги декларация қабул қилинди. Ўзбекистон ва ЕИ ўртасидаги туризм соҳасидаги ҳамкорлик шунчаки тажриба алмашиш эмас, балки аниқ иқтисодий, маданий ва ижтимоий натижаларга қаратилган стратегик иттифокдир. Ҳамкорлик минтақа учун янги имкониятлар очади, халқлар ўртасидаги алоқалар-ни мустаҳкамлайди ва уни дунё учун янада очик ва жозибадор қилади.

Шерзод СИНДОРОВ,

Тошкент давлат иқтисодиёт университетининг Инфратузилмани ривожлантириш ва иқтисодиёт ишлари бўйича проректори, иқтисодиёт фанлари доктори, профессор.

ИСРОФНИНГ УВОЛИ БОР

Жўмракни бурасангиз, шариллаб сув оқади... Марҳамат, хоҳласангиз — ичинг, истасангиз — ювинг. Шахарга хос бундай қулайлиқни, истак ва интилиш бўлса, қишлоқда ҳам, қирлару тоғлар бағрида ҳам яратса бўлади. Аммо жўмракдан оқиб тушаётган обиҳаётни текин деб ўйлаганлар адашади, айниқса, шаҳарда. Уни сиз истиқомат қилаётган ҳовлига ё кўп қаватли уйдаги хонадонларга, идораю ташиқлотларга келтириш оson бўлаётгани йўқ. Сувни тозалаш, истеъмолчининг хонадонига қадар етказиш турган-битгани харажат.

Бугуннинг гапи

Кейинги йилларда мамлакатимиз раҳбарининг ташаббуси билан аҳолини сифатли ичимлик суви билан таъминлаш масаласи давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Маълумотларга қўра, бу соҳани ривожлантиришга 2 млрд. доллардан зиёд хорижий сармоялар йўналтирилган ва шунинг натижасида сув таъминоти қамрови сезиларли даражада ошди, минглаб қишлоқларда сифатли ичимлик суви тармоқлари вужудга келди.

— Айни чоғда ҳам сув таъминоти ва оқова сув хизматлари соҳасининг ривожланиши давлатимиз раҳбарининг доимий диққат-эътиборида, — дейди “Ўзсувтаъминот” АЖ бошқаруви раис ўринбосари Хуршид Раҳ-

матуллаев. — Бироқ соҳа инфратузилмаси нечоғли ривожланган бўлмасин, истеъмолчиларнинг суви тежаб-тергаб ишлатишга бўлган муносабати ўзгармаса, улар ўз қонуний мажбуриятлари, яъни тўловларни ўз вақтида амалга оширишмаса, қутулган натижага эришиб бўлмайди. Минг афсуски, айрим кишилар ҳеч ким кўрмайди-билмайди деб қонунни четлаб ўтишга интилмоқда. Шу йилнинг ўзида назорат органлари билан ҳамкорликдаги рейдларимизда ичимлик ва оқова сув тизимларига жами 3 899 та ноқонуний уланиш ҳолатлари аниқланди. Бу борада қуйидаги вилоятлар “пешқадам”: Сирдарё вилоятида 433 та, Тошкент шаҳрида 410 та, Қорақалпоғистон Республикасида 408 та, Хоразм вилоятида 343 та.

Маълум бўлишича, қонунбузарликлар туфайли дастлабки ҳисоб-китобларга қўра, акциядорлик жамияти манфаатларига 76,2 млрд. сўмдан ортиқ зарар етказилган. Бунинг қарийб ярми “Ўзсувтаъминот” АЖ мутахассисларининг саъй-ҳаракати билан қопланишига эришилди.

— Билмабман, кўрмай қолибман, деган важарлар асло асос йўқ. Чунки телерадио, матбуот ва ижтимоий уланиш тармоқлар қарши “Сув текин эмас, сув таъминотида, оқова сув тармоғига уланишдан аввал рухсат олинг, суви ишлатган эса пулини тўлаб қўйинг” дея тўхтовсиз оғохлантиришлар беряпмиз. Фурсатдан фойдаланиб яна бир қарра эслатиб ўтамиз, қонун талабига қўра сув таъминоти ва оқова

сув тармоқларига ўзбошимчилик билан уланиш жиноий жавобгарликка олиб келади, — дейди “Ўзсувтаъминот” АЖ бўлим бошлиғи Шаҳбоз Сарманов. — Афсуски, идора ва ташкилотлар раҳбарлари, айрим тадбиркорлар қатори баъзи фуқаролар ҳам қонунни бузмоқда. Шу сабаб, бугун республикаимизда ишлатилган сув учун тўловнинг ҳолати ачинарли аҳволда — жами 5,5 млн. истеъмолчи бўлса, шунинг қарийб ярми “Ўзсувтаъминот”дан қарздор. Шунинг учун ҳам қарздорлиқни қонун йўли билан бартараф этишга астойдил киришдик. Йил бошидан буюн 103,3 минг нафар ашаддий қарздорлар бўйича фуқаролик ва иқтисодий судларга 332,2 млрд. сўмлик даъво аризалари киритилди. Бундан ташқари, шу йилнинг ўзида республикаимиз бўйича 53,5 минг нафар жисмоний ва юридик истеъмолчи тармоқдан узилди. Аслида, бу — мажбурий чора, қонун талаби. Бугун эса, минг афсуски, пойтахтимизда ҳам суви беҳуда сарфлаш, ҳақини тўламаслик ҳолати қўлайиб кетяпти. Сув тармоғидан узишга мажбур бўлинган ҳолатнинг энг кўпи, яъни 38,1 мингта Тошкент шаҳрига тўғри келмоқда.

Ш. Сармановнинг айтишича, амалга оширилган ишлар натижасида истеъмолчиларнинг дебитор қарздорликлари жорий йил бошидагига нисбатан 14 фоиз қисқариб, 762,4 млрд. сўмни ташкил этмоқда.

— Сув тўхтовсиз сарфланар экан, рақамлар ўзгаради, қарздорлик ҳам ошавериши



мумкин, аммо обиҳаёт азиз неъмат, усиз ҳаётни тасаввур этиб бўлмайди. Шундай экан, суви тежаб ишлатайлик, уни сарфладикми, марҳамат қилиб пулини тўлаб қўяйлик. Ана шунда ишимизда ҳам, фаолияти-мизда ҳам барака бўлади, — дейди “Ўзсувтаъминот” мутасаддиси.

Дарҳақиқат, истеъмолчи сув учун ўз вақтида пул тўлаб турса ким унинг эшигини тақиллатиб боради, безовта қилади ва яна тармоқдан узади? Ахир ота-боболаримиз мирибони эъозланган, “Сув келтирган элда азиз”, дея сувғига меҳр кўрсатган, уни меҳнатига яраша сийлаган ҳам. Ва яна аждодларимиз “Дарёнинг бўйида бўлсанг ҳам, суви исроф қилма”, дея ўғит берган.

Абдунаби АЛИҚУЛОВ
(«Халқ сўзи»).

МАЪНАВИЙ МУШТАРАКЛИК ВА УМУМИЙ ҚАДРИЯТЛАР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Туркий давлатлар ташкилотининг шу йил 7 октябрда бўлиб ўтган йиғилишидаги нутқи катта қизиқишга сабаб бўлди.

Давлатимиз раҳбари ўз нутқида минтақавий тинчлик ва хавфсизлик, аъзо мамлакатлар ўртасида кўп қиррали шериклик муносабатларини янада кенгайтириш ва жадаллаштириш каби қатор муҳим масалаларга алоҳида тўхталиб, ташкилотнинг 2030 йилга қадар бўлган ривожланиш стратегияси ва алоҳида “Йўл харитаси”ни ишлаб чиқиш таклифини илгари сурди.

Муносабат

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев ўз нутқида “Жаҳолатга қарши — маърифат” тамойили асосида илм-фан ва таълим соҳаларида ҳамкорликни янги босқичга кўтариш ташкилотга аъзо давлатлар олдида турган муҳим ва долзарб вазифалардан бири эканини таъкидлади.

Шунингдек, ёшлар орасида ёт ва бузғунчи ғоялар тарқалишининг олдини олиш мақсадида туркий давлатлар маконида экстремистик ва радикал мафкурага қарши курашишга қаратилган Ҳаракатлар режасини қабул қилиш, исломофобиянинг ҳар қандай кўринишларига қарши курашиш борасида ҳам яқин мулоқотларни давом эттириш таклифларини билдирди.

Дарҳақиқат, бугунги кунда экстремизм ва радикализм таҳдидлари нафақат миллий ёки минтақавий, балки халқаро миқёсдаги глобал муаммога айланиб улгургани ҳеч кимга сир эмас. Шу сабабли мазкур таҳдидларга қарши курашни тизимли ташкил этиш, аҳоли, айниқса, ёшларни мутаассиб ва бузғунчи ғоялар таъсиридан самарали ҳимоя қилишга қаратилган чора-тадбирларни амалга ошириш бутун жаҳон жамоатчилиги олдида турган муҳим вазифалардан бири ҳисобланади.

Айнан шу мақсадда Имом Мотуридий халқаро илмий-тадқиқот маркази ҳам Туркия Республикасининг Ислому тадқиқотлари маркази (ISAM), Ислому тафаккурини институти, Султон Аҳмад вақфи ҳузуридаги Кўлёмаларни тадқиқ қилиш маркази, Анкара, Салжуқ ва Анкара Йилдирим Бозид университети, Қозғосининг “Пикр” диний-амалий тадқиқотлар маркази, Озарбайжоннинг Боку халқаро мультимедиянинг маркази, Қирғизистоннинг Ўш давлат университети Илоҳий факультети каби қатор илмий-тадқиқот ва таълим муассасалари билан амалий ҳамкорлик ўрнатган.

Бугунги кунда марказ томонидан мазкур муассасалар билан ҳамкорликда ижтимоий-маънавий муҳитни соғломлаштириш, ислом никобиядиги бузғунчи оқимлар ғояларига илмий раддиялар бериш, дин билан боғлиқ замонавий муаммоларга жавоб топиш юзасидан халқаро анжуман, илмий семинар, давра суҳбати, кўргазма ва бошқа тадбирлар мунтазам равишда ўтказиб келинмоқда.

Жумладан, Туркиядаги ҳамкор муассасалар билан биргаликда мотуридийлик таълимотини ўрганиш, шу асосда жамиятда бағрикенглик, мўътадиллик ва маърифат тамойилларини кенг тарғиб қилишга бағишланган “Мотуридийлик таълимоти ва ҳозирги замон” руқни остида аънаваний халқаро симпозиумларни ҳар йили мунтазам ташкил этиш йўлга қўйилган.

Шу ўринда буюк мутафаккир аждодимиз Имом Абу Мансур Мотуридий асос солган мотуридийлик таълимоти туркий халқларнинг эътиқодий бирлигини таъминлашда муҳим тарихий аҳамиятга эга бўлиб келганини алоҳида таъкидлаш лозим.

Зотан, мафкуравий курашлар авж олиб бораётган бугунги глобаллашув шароитида Имом Мотуридий ва унинг мўътадил таълимотини чуқур ўрганиш, жамоатчилик ўртасида кенг тарғиб қилиш ўзаро қамжиятлик, бирдамлик ва бағрикенгликни таъминлашда муҳим аҳамиятга эга экани айни ҳақиқатдир.

Шу нуктаи назардан, Имом Мотуридий маркази томонидан аллома қаламига мансуб “Таъвилот ал-Қуръон” ва “Китоб ат-тавҳид” асарларининг ўзбек тилидаги илмий-изоҳли таржимаси ҳамда илмий-танқидий матни яратилди. Мазкур асарларнинг ўзбек тилига таржима қилиниши нафақат Ўзбекистонда, балки барча туркий давлатлардаги ёшларни ислом динининг асл тинчликпарварлик моҳияти билан таништиришга, дин никобиядаги адашган оқимлар ғояларининг айронкор моҳиятини очиб беришга хизмат қилиши билан ҳам аҳамиятли.

Ўзбекистон Президентининг Туркий давлатлар ташкилотига аъзо давлатлар ўртасида “Жаҳолатга қарши — маърифат” тамойили асосида илм-фан ва таълим соҳаларида ҳамкорликни янги босқичга кўтариш ташаббуси Имом Мотуридий маркази томонидан бу йўналишда амалга оширилаётган ишларни услубий жиҳатдан янада тақомиллаштириш ҳамда жадаллаштириш имконини беради.

Комилжон ШЕРМУҲАМЕДОВ,
Имом Мотуридий халқаро-илмий тадқиқот маркази директори.

31 октябрь куни Сурхондарё вилоятининг сўлим Бойсун туманида «Лаззатли Сурхон» халқаро фестивали бўлиб ўтади.

Халқ сўзи

Народное слово

МУАССИСЛАР:

Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 1042. 10 601 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетани ҳақидаги маълумотларни қўлаб олиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:

Девонхона 71-259-74-51; қопилбист 71-259-74-53;
эълонлар 71-259-74-87.



Тахриратта келган кўлемалар тақриз қилинмайди ва муаллафга қайтарилмайди.

Газетанинг сўзлаб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.

Газета тахриратта компьютер марказида терилди ҳамда оператор А. Исмаилов томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” нашіриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:

100066,
Тошкент шаҳри,
Ислому Каримов кўчаси, 55-йў.

Набатчи муҳаррир — Ф. Бахромов.

Мусаҳҳиҳ — С. Исмолов.

“Шарқ” нашіриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахона